САВОЛЛАРИНГИЗГА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ЖАВОБ БЕРАДИ 2-бет
ТВ «ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ 3-4-5-бетлар
ЮЛДУЗЛАР «ТИЛГА КИРГАНДА» 6-бет
ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 160 (9.963) / 2003 ЙИЛ 15 АВГУСТ

ПОЙТАХТНИНГ бир куни
Янгиликлар, воқеалар

## ҚИСҚА сатрларда

❐ **БУГУН** Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — қўшиқ байрами» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

❐ **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулшан» маданият ва истироҳат боғида Истиқлолнинг 12 йиллигига бағишланган хайрия тадбири туман маҳаллаларида яшовчи 100 нафарга яқин кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирокида бўлиб ўтди.

❐ **КЕЧА** Яккасарой туманидаги «Конституция» маҳалласида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан маҳаллалар фаол аёллари иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Мустақиллик ва аёл» деб номланди.

❐ **БУГУН** Чилонзор туманидаги «Мевазор» маҳалла гузарида Шотурсун Ғуломов, «Бўрижар», «2-Қатортол» маҳаллалари ҳамкорлигида «Мустақиллик — ўзликни англаш демакдир» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

❐ **ҒАФУР** Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида адиблар, шоирлар ва адабиёт ихлосмандлари иштирокида ташкиллаштирилган маданий-маърифий кеча «Ғафур Ғулом ижодида табиат ва инсон» деб номланди.

❐ **ОЧИҚ** жамият институтининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан гиёванд моддаларга қарши кураш бўйича янги лойиҳа ишлаб чиқилди. Шаҳримизда ўтказилган ана шу лойиҳанинг тақдимот маросимида жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

❐ **ЎТГАН** кундан Республика ИИВ ташаббуси билан Тошкент шаҳар ИИББнинг ўйингоҳида милиция генерал-майори, марҳум Комилжон Ғофуров хотирасига бағишланган футбол турнири бошланди. Ушбу мусобақа эртага ўз ниҳоясига етади.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

O'ZBEKISTON 12

• МУСТАҚИЛЛИК МЕВАЛАРИ

*Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт.*
**Ислом КАРИМОВ**



## 3. АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ

**Яқин-яқингача лицей, коллеж деган сўзларни эшитганимизда бир-биримизга савол назари билан қарардик. Орадан ўтган қисқа муддат ичида бу сўзлар шунчалик ҳаётимизга сингиб кетдики, бугун улар тилимизда такрор-такрор ўз ифодасини топмокда. Аслида бу ҳам Мустақиллигимиз шарофатидан. Ҳар томонлама юксалиб, дадил қадамлар билан бораётган жонажон республикамиз аҳлининг маданий-маънавий, ахлоқий тафаккури ўсиб бораётганлигининг белгиси.**

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинганидан сўнг таълим тизимида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. 1998-1999 ўқув йилида дастлабки академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари очилиб, билимга чанқоқ ёшларни ўз бағрига чорлади. Пойтахтимиз Тошкентда эса бу жараён 1998 йилдан бошланди. Ўша йили тажриба тариқасида учта — радиотехника, самолётсозлик ва педагогика касб-ҳунар коллежлари очилди. Ўзбекистон Миллий университети ва Тўқимачилик енгил саноат институти қошида очилган иккита академик лицейлар дастлабки ўқувчиларни ўз бағрига қабул қилди. Шу тариқа академик лицей ва коллежлар сони йил сайин ортиб борди. Орадан бир йил ўтиб эса уларнинг сони умумий ҳисобда 26 тага етди. Бугунги кунда мамлакатимизда жуда кўплаб академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатиб турибди. Уларнинг ҳаммаси ҳақида бирма-бир сўз айтиш имконияти ҳам йўқ. Шу туфайли уларнинг баъзилари ҳақида сўз юритмоқчимиз холос.



Акмал Икромов туманида бундан бир неча йил муқаддам тантанали равишда очилган қурилиш ва коммунал касб-ҳунар коллежида бугун 900 нафарга яқин йигит-қиз таълим олади. Уларнинг ҳар бири ҳозирда ҳам мазкур даргоҳнинг очилиш маросимида ҳурматли Президентимиз қатнашганлигини мамнуният билан эслашади.

Бугун Маннон Уйғур кўчасида жойлашган қурилиш ва коммунал касб-ҳунар коллежи биноси олди кириш имтиҳонларини топшириш учун келган ёшлар билан гавжум. Улар янги ўқув йилида шу коллежда ўқиш ниятида келишган.

Фарҳод бозори яқинида жойлашган билим даргоҳига Тошкент юридик коллежи мақоми берилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Унинг кундузги ва сиртқи бўлимларида 2 мингдан ортиқ талаба таҳсил олади. Мустақил диёримизда демокртик, ҳуқуқий, адолатли давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқларини амалда таъминлаш талабларидан келиб чиқиб коллежда ўқув жараёни янги дастур ва ўқув режалари асосида ташкил этилган.

2001 йилда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг 2-босқичи бошланди. Шунга биноан 1999-2005 йилларда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг моддий техник базасини ривожлантириш ва молиялаштириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилиб, 6 йил давомида пойтахтда 27.193 ўқувчига мўлжалланган 40 та академик лицей ва 57.458 ўринли касб-ҳунар коллежлари очиш режалаштирилган. Бу режадаги жараёнлар бугунги кунда муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей ана шу дастур асосида бунёдга келган янги ўқув масканларидан биридир.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг келажаги порлоқ. Бу биз юқорида келтирган баъзи рақамлардан ҳам кўриниб турибди.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

## ХХI аср садоси
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**• Республика Хотин-қизлар қўмитасида БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси — UNFRA билан ҳамкорликда «Ўсмирларнинг репродуктив саломатлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш»га бағишланган қўшма лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан пойтахтдан бир гуруҳ ижодкорлар Қашқадарё вилоятига ташриф буюришди.**

**• Андижон Давлат университети қошидаги академик лицейнинг ўқув биноси Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.**

**• Япониялик сайёҳларнинг Буюк Ипак йўли бўйлаб 10-бор велосипедда қилаётган саёҳатлари юртимиздан бошланди. Улар Бухоро-Хива—Нукус йўналиши бўйлаб қарийб минг километрлик масофани босиб ўтиб, кеча шаҳримизга етиб келишди.**

**• Чақириққача ёшларни тайёрлашни янги ўқув фани сифатида умумтаълим мактабларининг юқори синфларида ўқитиш жорий этилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан махсус ўқув дастури ишлаб чиқилди.**

**• Ўзбекистоннинг 100 та нодавлат, нотижорат ташкилоти (ННТ) вакиллари айни дамда ўзларининг илк «ННТ-2003 форуми»ни ўтказиш учун Чорвоқ сиҳатгоҳи ҳудудида йиғилишди.**

**• Нидерландия қироллигининг Россиядаги элчихонаси ходими Тимен Коувенар Бухоро давлат музейи қўриқхонасига Бухоронинг сўнгги амири Саид Олимхоннинг ягона рангли суратини топширди.**

### Жаҳонда

**• Асланбек Аслаханов Чеченистон Республикаси сайлов комиссиясига ўз ҳужжатларини топширди. Шундай қилиб у Чеченистон Президентлигига 15-номзод бўлди.**

**• Нью-Жерси штатининг Нью-арк судида «Игла» зенит-ракета мажмуасини «Ал-қоида» террорчиларига сотмоқчи бўлган икки шахс устидан суд жараёни бошланди.**

**• Англиянинг жанубида нефть кони топилди. Дастлабки ҳисоб-китобга қараганда, бу конда тахминан 100 миллион баррель миқдорида нефть бор.**

**• Ҳиндистон ва америкалик олимлар ўтган куни Ҳиндистон ҳудудида бундан тахминан 65 миллион йиллар муқаддам яшаган динозавр қолдиқларини топганликларини билдиришди.**

**•Кеча Жанубий Кореяда рўй берган ҳарбий вертолётнинг ҳалокати туфайли 7 киши ҳаётдан кўз юмди. Ҳозирда ҳалокат сабаблари аниқланмоқда.**

**• Грецияда Рихтер шкаласи бўйича 6,4 баллик сув ости зилзиласи рўй берди.**

# Эртага — умумхалқ ҳашари

**унда фаоллик кўрсатиш барчамизнинг бурчимиз**

Энг азиз ва энг улуғ байрамимиз Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги нишонланадиган кун тобора яқинлашиб келмоқда. Бугун ҳамма жойда ушбу шодиёна тайёргарлиги қизғин тус олган. Албатта ҳар бир тантанага гўзаллик ярашади. Шундай экан, кўчаю хиёбонларимиз ораста, файзли ва тароватли бўлиб турса дилларимизга шоду хуррамлик бағишлаб кайфиятимизни янада кўтариб юборади. Шу мақсадда август ойи бутун республикамизда бўлгани каби пойтахтимизда ҳам ободонлаштириш ва тозалик ойлиги деб эълон қилинган. Унинг доирасида 16 август куни эса умумхалқ ҳашари ўтказишга қарор қилинди.

Албатта бу тадбирда асосий етакчилик маҳаллалар зиммасига тушади. Сабаби бизда азалдан маҳаллада истиқомат қилаётган ҳар бир инсон, кексаю ёшнинг шахсий ўрнаги, ибрати чақириққа айланиб умумий ҳаракат юзага келган. Мана шундай ҳашарлар туфайли ариқ-зовурлар тозаланган, кўчалар обод қилинган, гузарлар бунёдга келиб, аҳоли яшаш жойларига чирой бахш этилган.

Шаҳримиз орасталиги ҳақида гап борганда корхона, ташкилотлар ва меҳнат жамоаларининг ҳам ўзига яраша ўрни борлигини таъкидлаб ўтмоқ зарур. Шундай экан, бу умумхалқ ҳашаридан ҳеч ким четда қолмаслиги керак.

Ўйлаймизки, эртага ўтказиладиган ҳашарда ҳамшаҳарларимиз ҳар доимгидек ўзига хос уюшқоқлик намуналарини кўрсатиб гўзал пойтахтимизнинг чирой очишига муносиб ҳисса қўшадилар.

## Сўранг, жавоб берамиз

***Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳақида билмоқчи эдик.***

***М.Низомов, У.Халилов, магистрлар.***

Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш суд томонидан фуқаролик суди ишларини юритиш қоидалари бўйича, ушбу кодексда назарда тутилган ҳолларда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ушбу Кодекснинг тегишли моддаларида назарда тутилган усулларда амалга оширилади.

* * *

***Бобо ва бувининг ўз невараларига таъминот бериш мажбуриятлари қандай амалга оширилади?***

***Ф.Султонова, талаба.***

Ота-онаси йўқ бўлган ёки улардан таъминот ололмайдиган вояга етмаган невараларига таъминот бериш мажбурияти етарли маблағга эга бўлган бобо ва буви зиммасига юклатилиши мумкин. Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож невараларнинг ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёҳуд улардан таъминот учун маблағ ололмаса, уларга нисбатан ҳам бу мажбурият бобо ва бувининг зиммасига юклатилиши мумкин.

* * *

***Ота-она вақтинча бўлмаганда болаларга васийлик ёки ҳомийлик белгилаш мумкинми?***

***Ҳ.Пайдоев, ҳайдовчи.***

Ота-она олти ойдан ортиқ ҳозир бўлмаган тақдирда, агар болаларнинг манфаатлари учун зарур бўлса, уларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик белгиланади. Ота-она вақтинча бўлмаганида, агар улар боласини қариндошлари ёки бошқа яқин кишилари қарамоғига тарбиялаш ва назорат қилиш учун қолдирган бўлсалар, болаларга васийлик ва ҳомийлик белгиланиши шарт эмас.

* * *

***Нон - ризқ-рўзимиз, азиз неъмат. Лекин унинг шифобахшлик хусусиятлари ҳам бор экан. Шу тўғрида маълумот берсангиз.***

***С.Қозиева, уй бекаси.***

Табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино ва унинг устози Абу Бакр Муҳаммад Закариё ал-Розий ноннинг шифобахшлигию дори-дармонлик хусусиятларига катта аҳамият берганлар ва уни анчагина касалликларни даволашда қўллаганлар. Халқ табобатида нондан дори сифатида фойдаланиб келинган:

- Милклар қочиб, тишлар бўшаша бошласа қаттиқ нонни чайнаш керак.
- Фасодли ярага қаттиқ нон билан бирга қўй ёғидан олинган жиззани янчиб қўйилса фойда қилади.
- Сариқ касалига чалинган одам анор шарбатига ботирилган қаттиқ нон ейиши керак.
- Ошқозон бузилиб, ич кетса ёки юрак буруғ касалига чалинганлар кунда уч маҳал қаттиқ нон еб, орқасидан бир пиёла қатиқ ичиб юборсалар касаллик таққа тўхтайди.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

# Грант ғолиблари аниқланди

**Пойтахтдаги "Дедеман Silk Road, Тошкент" меҳмонхонасида АҚШ Халқаро Ривожланиш агентлигининг "Фуқаролар манфаатини ёқловчи дастури" доирасида илк марта ажратилаётган грантларнинг ғолиблари эълон қилинди.**

— "Фуқаролар манфаатини ёқловчи дастур" Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини қуришга қаратилган ЮСАИД фаолиятининг муҳим қисмидир, — деди тадбирга сўзга чиққан дастур мутахассиси Баҳодир Умархонов. — Ушбу дастур, ННТларнинг фуқаролар манфаатини қўллаб-қувватловчи тадбирларини маҳаллий ва минтақавий даражаларда муваффақиятли ўтказишларига ва давлат даражасидаги муаммолар билан шуғулланишга имкон яратади. Дастурнинг энг асосий мақсади, аҳолига таъсир этувчи муаммоларни ҳал қилиш учун, ҳукумат билан иш олиб боришда ННТлар билим ҳамда ишончларини оширишдан иборатдир.

— Дастурнинг грантлари Самарқанддаги "Ҳаёт", Тошкентдаги "Умидворлик" ва Ўзбекистон Ишбилармон аёллар уюшмаси каби нодавлат нотижорат ташкилотларига тақдим этилди. Ҳар бири 12 минг АҚШ долларигача бўлган грантлар мазкур ташкилотларнинг қарийб олти ой давомида олиб борадиган тадбирларини, яъни компанияларини қўллаб-қувватлашга сарфланади. Ушбу тадбирлар Ўзбекистондаги фуқаролар ҳаётига бевосита таъсир этаётган кундалик сиёсат ва амалиётларни ўзгартиришга қаратилган.

Б. Умархоновнинг эътироф этишича, ғолиб ННТ компанияларининг ҳар бири ҳукуматнинг у ёки бу масала борасидаги сиёсати ёки амалиётига муайян ўзгаришлар киритишга интилади. Ушбу вазифаларни бажариш йўлида улар турли тадбирлар олиб борадилар. Аҳоли орасида маърифат, ОАВда чиқишлар, мусоҳабалар ҳамда ҳукумат мулозимлари билан музокаралар ташкиллаштириш шулар жумласига киради. Асосий мақсадлари ўзгаришларни илгари суришда фуқароларнинг кенг кўламда қўллаб-қувватлашларига эришишдир.

"Умидворлик" компаниясининг мақсади ногирон болалар таълим олишлари учун имкон яратишдан иборат. Ушбу компания Ўзбекистон ҳукумати томонидан "Таълим барча учун" Миллий дастур режасининг бажарилишида ННТлар иштирокини оширишга қаратилган. 2000 йили Сенегал пойтахти Дакарда имзоланган "Таълим барча учун" деб номланган ЮНЕСКО ҳужжатига Ўзбекистон ҳукумати ҳам аъзодир. Бироқ, "Умидворлик"нинг фикрича, ННТларнинг ушбу жараёнда иштирок этиш даражасини бугунги кундагига нисбатан янада ошириш лозим. Дакар ҳужжатида эса ННТларнинг жараёндаги иштироки камида 50 фоиз тенг бўлиши кўзда тутилган.

— Ушбу учта компанияларнинг ҳар бири аслида бир неча ташкилот бирлашмаси бўлиб, ундаги грант олувчи ташкилот бирлашган саъй-ҳаракатларни бошқаради. "Ҳаёт" бирлашмаси, асосан, турли шаҳарлардаги ногиронлар учун иш олиб борадиган ташкилотлардан иборат. "Умидворлик" бирлашмаси ногирон болалар билан иш олиб боришга жалб этилган бир неча бошқа ташкилотларни ўз ичига олган, Ўзбекистон Ишбилармон аёллар уюшмаси маҳаллий бўлимлардан иборат.

Тадбирда АҚШ элчихонасининг муваққат ишончли вакили Дэвид Эпплтон ва Республика Олий Мажлисининг демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов сўзга чиқиб, мазкур дастурнинг афзалликлари ва унинг мамлакатимизда жорий этилиши юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**"Туркистон-пресс»**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ТАБИАТГА ОЗОР БЕРМАНГ

Яқин дўстларимиздан бири телефон қоқиб, ҳол-аҳвол сўради, кейин:

— Биз қариялар ҳам ҳадеб уйда ўтиравермай ҳеч бўлмаса бир дам олиш кунини табиат қўйнида ўтказайлик, — деб қолди.

Очиғи бу таклиф менга ҳам ёқиб тушди. Ёзнинг шу жазирама кунларида соя-салқин, тоғ ёнбағир кенгликларида ўзинг ёқтирган дўстлар билан мириқиб ҳордиқ чиқарганга нима етсин.

— Жуда яхши ўйлабсан, — дедим мен. — Биздан бошқа яна кимлар бўлади. Қаерга, қайси машинада борамиз?

— Ўзингга яхши таниш бўлган улфатлардан яна икки кишини оламиз. Эшитмаганмисан, «улфати чор анда маза бор», деганлар. Машина масаласи ҳал. Мен ўзимнинг «Москвич»имда олиб бораман. Тушлик учун битта паловхонтўранинг харажати ҳам каминанинг бўйнида. Сизлар нон-пон, майда-чуйда олволсаларинг бас.

Шундай қилиб, Хумсон сафарига шанба куни эрталаб соат саккизда чиқишни белгилаб хайрлашдик.

Бировни зориқтириб куттиргандан ёмони йўқ. Барвақтроқ йўлга тушдим. Белгиланган манзилга 15 дақиқа илгари етиб борсам дўстларим аллақачон келиб мени кутиб туришган экан.

Қизғин суҳбат асносида машинага ўтирдик. Қизил рангли «Москвич»имиз гуриллаб йўлга тушди. Шаҳар марказидан тобора узоқлаша-узоқлаша Қибрай йўлига чиқиб олдик. Тенгқур қариялар анчадан бери кўришмаганимизга суҳбат ҳеч тугамасди. Биримизнинг гапимиз ниҳоясига етмай иккинчимиз янги мавзуни бошлардик. Хуллас, биримиз олиб биримиз қўйиб Чирчиқ шаҳрига кириб бордик. У ёғи текис — «яшил чироқ» йўл. Демак, Ғазалкентгача икки қадам.

Машинамиз олға босгани сари баланд тоғларга туташиб кетган қир-адирлар, пасттекисликлар тобора яқинроқ кўрина бошлади. Гўё қўл узатсанг уларга етгудек. Адоғи йўқ ям-яшил далалар саҳий қуёш нурида ажабтовур кўзга ташланади.

— Ўзбекистонимиз чиндан ҳам жаннатмаконда, — дейди орамиздан кимдир узоқ-узоқларга тикила туриб.

— Диёримизнинг яшил табиати ҳам ўз исми-жисмига мос тушганини айтмайсизми?

— Шундай юртда яшаган инсон умр бўйи чет элдаги донгдор курортларни орзу қилмаса ҳам бўлади. Ахир биргина мана шу Бўстонлиқнинг ўзида жойлашган дам олиш масканларининг қай бири ўша машҳур курортлардан қолишади.

— Уни-буни қўйинглар, — дейди ҳайдовчимиз. — Қаерга ҳайдай, қаерда қўним топамиз?

— Бирор хонадонга тушганимиз маъқул. Ахир егулик тайёрлаш учун қозон-товоқ, ўтин-кўмир ҳам керак-да.

— Бунисидан хавотир олманглар. Ҳамма керакли нарсаларни юкхонага жойлаганман. Ҳатто палос, кўрпачаларгача бор.

— Ундай бўлса яхши, бирор соя-салқин жойни топсак бўлдида.

Хумсон санаторийсининг орқасидаги сув бўйидаги ялангликдан жой топдик. Бу ерда биздан бошқа дам олувчилар ҳам кўп экан. Улар билан ёнма-ён жойлашдик. Кўпчилик яхшида, дарҳол қозонни осиб, оловни ёқиб юбордик. Ошга сабзини босиб қўйиб, сўнг бир мириқиб чўмиламиз, деган қарорга келдик. Ёнимиздаги уч-тўрт ёш- яланг ичиб олган, анчагина кайфи бор шекилли олдидаги бўшаган шишаларни ҳеч иккиланмай дам сувга, дам чор-атрофга улоқтириб туришибди. Баъзи шишалар тошларга урилиб синяпти. Ўша ерда ёш болалар гавжум. Бири ўйнаяпти, бири чўмиляпти. Бундай разм солиб турсак йигитлар ўтирган атроф турли консерва банкалари, йиртилган қоғоз парчалари, папирос қолдиқлари, синиқ шишаларга тўлиб кетибди. Уларни бир-икки бор тартибга чақирдик. Чор-атрофни ифлослантирмасликларини илтимос қилдик.

— Шу чолларнинг дийдиёсини эшитиб ўтиргунча турларинг ҳаммаларинг, — деди улардан бири. — Ўтин тамом бўлди. Бунақада овқатимиз ҳали-бери пишмайди. Ҳов анаву ердаги дарахт шохларидан синдириб келларинг.

Йигитлар биздан сал нарида шох отган теракка ёпишиб кетишди. Унинг шохларини бетартиб қайириб, синдириб ўтин тайёрлашга киришишди. Бу ҳолатни кўриб кайфиятимиз баттар бузилди. Шу топда юқоридан икки отлиқ киши пастга жадал тушиб келдида табиатга озор бераётган бу йигитларни қувиб солди. Олдинига йигитлар уларнинг дўқ-пўписасига унчалик эътибор беришмади. Қачонки, отлиқларнинг тарафдорлари кўпайгач, бор-бисотларини йиғиштириб жўнаб қолишди. Энди улар яна қай манзилни ихтиёр этиб, у жойни ҳам хоҳлаганларича ифлослантириб кетишаркин?

Ҳозир мана шу савол ҳаммамизни қийнарди. Чиндан ҳам биз шаҳар шовқинидан, дим ҳаводан қочиб табиатда жон асрагимиз келадию шўрлик табиатнинг ўзи биздан безиллайдиган бўлиб қолганини ҳис этмаймиз. Баъзан она табиатга нисбатан ваҳшийларча қилиқ қиламиз. Ахир табиат ҳам жонли нарсаку, нега унга раҳмимиз келмайди. Аслида бизнинг ўзимиз ҳам мана шу табиатнинг фарзандларимиз. Модомики, табиат бизнинг онамиз экан, унга қўл кўтарган нобакорларнинг жиловини тортиб қўйиш ҳар биримизнинг энг оддий инсоний бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз керак.

## ПЕШАЙВОНЛАРИМИЗ ОРАСТА БЎЛСИН

Шаҳримизда ҳавас қилса арзигулик бир-биридан гўзал бинолар кўп. Ҳатто улар орасида юксакликка бўй чўзганлари ҳам борки, уларнинг юқори қаватига қарасанг, гўё дўппинг ерга тушгудек. Бу биноларнинг ҳаммаси инсонлар учун қурилган, бунёд этилган. Лекин биз ҳамиша ҳам улардан тўғри фойдаланиб, ташқи кўринишига путур етказмаяпмизми? Келинг, яхшиси бу саволга жавоб топиш учун ўша биноларнинг пешайвонларига (балконларига) назар ташлайлик. Ана энди айтинг, уларнинг ҳаммаси ҳам биз истаганчалик ёки ўша бинонинг ҳуснига мос тартибли ва орастами? Йўқ, албатта. Бу қаватма-қават чўзилиб кетган пешайвонлар орасида шундайлари ҳам кўзга ташланадики, уларга қараб туриб беихтиёр ранжиб кетасан киши. Бирида эски стол-стуллар, қурилиш материаллари уйиб ташланган бўлса, бошқасида шундоққина кўзга кўринадиган жойга ювилган кир-чир кўйлаклар, ички кийимлар бетартиб пала-партиш осиб ташланган.

Ўзимиз гувоҳ бўлган бир мисол. Яқинда Чилонзордаги кўп қаватли уйлардан бирида яшовчи қадрдонимизникида бўлдик. Меҳмонхонада узоқ суҳбатлашиб ўтиришдан зерикиб, очиқ ҳаводан нафас олиш учун пешайвонга чиқдик. Кўзимиз дарҳол бир бурчакда уйиб ташланган қишки оёқ кийимларга тушди. Пешайвоннинг узунасига кетган тўсқичларга эса турли кийим-кечаклар қатор ва бетартиб осиб ташланган эди. Икки уй орасидаги майдончага назар ташлаймиз. Унда болалар тўп тепиб ўйнаб юришибди. Майдонча тепасида ҳар икки қарама-қарши уйлар оралиғида тортилган арқонларга осиб ташланган кир-чирлар чанг-тўзонда тебраниб, ўзини кўз-кўз қилиб турибди. Улар ювилиб тозалангани нима-ю, мана бунақа чанг тўзонда бепарволик билан қолдирилганлиги нима?

Мезбон нигоҳимиз бу манзарага узоқ қадалиб қолганидан дилимиздагини сезди шекилли:

— Нима қилайлик, шундай қилишга мажбурмизда. Ювиб тозаланган кир-чирларни қуритадиган махсус жой бўлмагандан кейин нима ҳам қилардик, — деди.

Албатта биз бу фикрга қўшилмадик. Ҳар қалай кун бўйи муҳташам биноларимизнинг баъзи пешайвонларида бундай ҳолни кўриш-кузатиш ачинарли. Ноилож бўлган тақдирда ҳам кирларни кечаси ювиб қуритиш, кундуз кунлари эса пешайвонларни тартибга келтириб қўйиш мумкиндир ахир. Шаҳримизда ўз пешайвонида гул ўстириб, уни ораста қилиб сақлаётган хонадонлар озмунчами? Улар кир-чирларини қаерда қуритаётган экан? Ҳеч бўлмаса улардан сўраб, тажрибаларидан ўрганайлик, ахир. Ҳозир ҳеч бир муаммо йўқки, чораси топилмаган бўлса. Наҳотки шундай бир пайтда кичик бир масалани кўнгилли ҳал қилиш мумкин бўлмай қолган бўлса?

Ҳал қилиш мумкин. Унинг чораси ҳам бор. Фақат бунинг учун истак ва қунт бўлса кифоя. Ўз шаҳрини дилдан севган, унинг обод ва кўркам бўлишини истаган одам биринчи навбатда ўзи яшаётган даргоҳни обод қилади, уни батартиб сақлаш йўлларини қидиради. Қўни-қўшниларга ибрат кўрсатиб, уларни ҳам ўзидек тартибли бўлишга чақиради.







## «02»: ҲОДИСАЛАР

◆ Сергели туманида яшовчи К. Жўраев тунгги соат 1.00 да қўшниси К.Жўраевни учратиб қолди. Негадир у безовтароқ кўринди. Зокиров қўшниси билан салом-алик қилгач кўздан ғойиб бўлди. Жўраев ҳайрон бўлганча автоулови томон борди. Не кўз билан кўрсинки, «Дамас» русумли автоулови калит танлаш йўли билан очилган ва 40000 сўм пули, техник паспорти ўғирланганди. Ички ишлар ходимларига вақтида берилган хабар туфайли айбланувчи Н.Зокиров далилий ашёлар билан қўлга олинди. Тергов давом этмоқда.

◆ Собир Раҳимов туманида куни кеча илгари судланган, 1980 йилда туғилган В.Шишов ва 1981 йилда туғилган С.Солонович билан тергов жараёнида аниқландики, улар 5 августга ўтар кечаси, 1966 йилда туғилган Қорақамиш даҳасида яшовчи С.Ажимаметовнинг уйи олдида қаровсиз қолдирилган «Газ-2410» русумли автоуловнинг ойнасини синдириб, «Пионер» автомагнитоласини ўғирлаб кетишган.

◆ Бегматов ўғирликнинг ажойиб йўлини ўйлаб топди. У Чилонзор туманида яшовчи С.Карунунинг хонадонида ижарада яшаб туриш учун рухсат олди. Хонадон эгаларининг ишончини қозонгач ўйлаган режасини амалга оширди. Яъни, хонадондан 960000 сўм пул ва «Минск» русумли музлатгични ўғирлади. Оғайнилари эса хонадондаги юмшоқ мебелни ҳам ўғирлашни тавсия қилишди. Бегматов шериклари сўзини қайтаролмади. Натижа эса «ёмон» эмас... Бегматов ва унинг икки шериги ички ишлар идораларида терговда жавоб беришмоқда.

◆ Худди шундай ҳолат Бектемир туманида ҳам аниқланди. Мўминжонов ёлғиз яшовчи 85 ёшли Ҳосилованинг уйида ижарада яшарди. Анча вақт ўтиб, у қабиҳ режасини амалга оширди. Онаси тенги аёлнинг сариқ металлдан ясалган тақинчоқлари ва 400.000 сўм пулини ўғирлади. Хонадон эгасининг қилган яхшиликларини Мўминжонов шу тарзда қайтарди. Аммо узоққа кетмасданоқ ички ишлар ходимлари томонидан ушланди.

◆ Бектемир туман ички ишлар бўлимига 23 ёшли Зарина ариза билан мурожаат қилди. Унга кўра 32 ёшли Мадина исмли аёл ушланди. Маълум бўлишича у Заринадан «фол очиб қўяман» дея 300.000 сўмлик сариқ металлдан ясалган сирғасини алдов йўли билан тортиб олган. Мадинанинг бундан аввалги фириблари ҳам фош бўлди. Ҳозирда ушбу ҳолат бўйича тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

◆ Юқоридаги ҳолат бўйича Ҳамза туманида яшовчи Олтибоева ҳам ушланди. Аниқланишича у алдов йўли билан 5 миллионга яқин пулни ёш қизлардан тортиб олган. Олтибоева ҳам дугонаси Мадина билан биргаликда терговда қилмишлари учун жавоб бермоқда.

◆ Сергели туманидан тушган хабарга кўра, шу тумандаги хонадонлардан бирида вақтинча яшаб турган Озарбайжон Республикаси фуқароси шаҳримизда яшовчи С.Камарова исмли фуқарога ўзаро келишилган нархда ўзи билан олиб келган ҳақиқий бўлмаган тилла тақинчоқларнинг бир қисмини 4000 АҚШ долларига пуллаётган вақтда далилий ашёлар билан қўлга олинди.

Текширувлар давомида мазкур хонадондан сотиш учун мўлжалланган яна турли хилдаги қимматбаҳо заргарлик буюмлари топилди. Тергов давом этмоқда.

**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази материаллари асосида Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА тайёрлади.**

• ТАДБИРЛАР

## Кўтаринки руҳда ўтмоқда

**Ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларида бўш вақтларини тўғри тақсимлаш, спортнинг оммавий турларини кенг тарғиб қилиш мақсадида шаҳримиз маҳаллаларида кўчма оммавий спорт гуруҳлари муваффақият билан иш олиб бормоқда.**

Жумладан «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман бўлими Кенгаши, туман «Маҳалла» ёшлари тарбиячиси» маркази, туман «Камалак» болалар ташкилоти ва маҳалла-педагог тарбиячилари ўзаро ҳамкорликда тумандаги 50 та маҳалладаги спорт майдончаларида қизиқарли ва бир-биридан ранг-баранг спорт мусобақаларини ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар.

— Спорт мусобақаларида ҳар бир маҳалладан 50 нафардан зиёд болалар иштирок этмоқда, — дейди «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази раиси Гулнур Шорустамова. — Улар кўчма оммавий спорт гуруҳи томонидан бошланган хайрли тадбирнинг мақсад-моҳиятини жуда яхши тушуниб олдилар деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам ҳар бир мусобақа қизиқарли, таассуротларга бой ҳолда ўтмоқда. Ғолибларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланиши эса уларни руҳлантирмоқда.

Дарҳақиқат, ёшларимиз камолоти йўлида олиб борилаётган барча ибратли, хайрли ишларимиз ўзининг яхши натижаларини бериши шубҳасиздир.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Тошкент шаҳрининг барча туманларида 2003 йил 1 августдан 1 октябргача янги ўқув йили бошланиши муносабати билан «Мактаб бозорлари» ташкил этилади.

Ўқувчиларга ўқув-ёзув қўлланмалари, болалар кийим-кечаклари, пойабзаллар ва бошқа саноат молларини харид қилиш учун Сизни туманлардаги қуйидаги марказий «Мактаб бозорларига» таклиф этамиз:

А.Икромов тумани — «Фарҳод бозори» янги қурилган биносининг кириш қисмидаги автомобилларнинг тўхташ жойи олдида:

Бектемир тумани — «Сувчи» даҳаси, Ҳ.Бойқаро кўчаси, «СиД» МЧЖ дўкони олдида:

Миробод тумани — Ўзбекистон кўчаси, 45, «Тошкент универмаги» ҳудудидаги майдонда:

Мирзо Улуғбек тумани — «Буюк Ипак йўли» метро бекати, Буюк Ипак йўли кўчаси, 103 олдида.

Собир Раҳимов тумани — метронинг Беруний бекати, Ўзбекистон Миллий университети томонидаги майдонда;

Сергели тумани — Сергели-8, «Сергели» супермаркети олдида;

Чилонзор тумани — Чилонзор кўчаси, 55, «Чилонзор» савдо маркази ичида ва олдида;

Ҳамза тумани — «Авиасозлар бозори» олдидаги майдонда;

Шайхонтоҳур тумани — Алишер Навоий кўчаси, 30-уй олдида (ўрнатилган савдо расталарида);

Юнусобод тумани — Юнусобод даҳаси, 19-мавзе, «Юнусобод саховат» дўкони олдида;

Яккасарой тумани — Усмон Носир кўчаси, «Саодат СМ» дўкони олдида.

Бундан ташқари Тошкент шаҳридаги «Чорсу буюм бозори», «Чилонзор буюм бозори», «Паркент бозори», «Аҳмад Дониш бозори» ва бошқа бозорлар ҳудудларида ҳам тадбиркорлар томонидан юқорида кўрсатилган моллар билан кенг миқдорда савдо ташкил этилади.

**МАКТАБ БОЗОРЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш Департаменти.

Янги «Чайка», «Веритас» тикув машиналари сотилади.
**Т: 22-98-05**

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги Машраб-Саид хусусий фирмаси (ОКПО коди 18509105) тугатилади.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 192-96-70 ва 195-45-28 телефонлари орқали
**ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 49-катталар таълим маркази томонидан 1999 йилда Усманов Шавкат Ҳамидуллаевич номига берилган O'R-B №673278 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**
Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.
МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

## ВАТАНПАРВАРЛИК ҲАҚИДА

Донишманддан сўрашибди:

— Сиз учун энг улуғ ва мўътабар нарса нима?

— Ватан, — деган жавобни берибди у.

— Сабаб?

— Сабаби шу тупроқ, шу замин, мен туғилиб ўсган, киндик қоним тўкилган жой. Шу ернинг тузини тотиб, сувини ичиб ҳавосидан нафас олиб, улғайиб камол топдим. Шунинг учун у менга мени туғиб тарбиялаб катта қилган онам каби муқаддас. Онани Ватанга, Ватанни онага таққосланишининг боиси ҳам ана шунда.

Менинг икки онам бор иккиси ҳам меҳрибон.

**Бири менга сут берган,**
**бири эса ширин нон.**
**Бири туққан онамдир,**
**иккинчиси ҳур Ватан.**
**Иккисига баробар**
**қурбон бўлсин жону тан**

деб ёзган шоир ҳақ.

Суҳбатдошлар донишманднинг сўзига тан беришибди, унинг ҳақлигига астойдил ишонишибди.

● Ватан тарбиясини оила қучоғидан бошлаш лозимдир. Биласизки кичик болаларда Ватан фикри бўлмайди. Улар учун Ватан — она қучоғидир. Болалар оилани сева-сева Ватанларини севишга кўникадилар. Бу эътибор билан оила муҳити Ватан муҳитининг асосини ташкил қилади. Оила муҳити эса оила қучоғида ва оила муносабатларида вужудга келгани учун Ватан муҳити ҳам дастлабки озиғини, дастлабки қувватини оила қучоғидан олган. Оила аъзолари орасида нақадар қувватли боғланиш, муҳаббат бўлса, Ватан муҳаббати ҳам шунча қувватли ва мустаҳкам бўлади. Ўз оила аъзоларига нисбатан туйғуга эга бўлмаган, уларга фидокорлик қилишни билмаган бир киши Ватанга ҳам фидокорлик туйғуси билан туйғулана олмайди. Авлодимизга тўлиқ Ватан муҳитини бериш учун, аввало уларнинг кўнгилларига қувватни бир оила муҳитини сингдиришимиз, шу билан бирга ватандошларимизга нисбатан муҳаббат ҳисларини уйғотишимиз лозим. Оила муҳити Ватан муҳитининг муқаддимаси, биринчи босқичи эканини унутмайлик.

Байт:

**Ватанни севмоқ**
**саодатдир,**
**Шу юрт кишилари учун**
**бу — одатдир.**

# ТАШНАЛИК

*Ҳикоя*

Арслон ота ҳеч кутилмаганда кампиридан айрилиб қолди. Не-не дардларни енгиб юрган фариштадек онахон: «Энди менсиз қандоқ яшайсиз, бой бўлгур...» дедию оламдан ўтди. Уч қизи бола-чақали, кенжатой ўғли ҳам уйли-жойли. Шундоқ бўлса-да, бу кулфат, бемаврид жудолик ўн йигитга ўрнини бермай юрган қарияни довдиратиб қўйди. Ота наздида ўзи қатнашиб юрган давраларнинг энди файзи йўқ, бутун олам ҳувиллаган, бўм-бўш эди. Чол уйидан чиқмас, ҳеч нарсага ҳуши қолмаганди. Ҳатто маросимларга, чойхона ва сайилгоҳларга боришни ҳам тарк этди...

Шундай кунларнинг бирида ота туш кўрди, ёки кампири чинданда қайтиб келди. Нақ рўпарасига тиз чўкиб, ёшланган кўзларини чолига тикканча ёлворди: «Бунақада мен азобланавераман, бой бўлгур, уйланинг, ё бўлмасам ўғлингизни кўчириб келинг...»

— Уйланинг деганинг нимаси?! Шу гапни сен айтяпсанми?!...

Қараса қошида ҳеч ким йўқ. Эрта тонгдан ота шашт қўзғалдида, енг шимариб ишга киришди. Аввал ҳаммаёқни тартибга келтирди. Кейин шаҳарга «элчи» жўнатди. Шу куниёқ етиб келган Жавлон отасининг жиддий гапи борлигини суҳбат бошидаёқ сезди. Негаки чол гапини мақол билан бошлаганди.

— Ўйчи ўйлаб бўлгунча таваккалчи ишини битиради, ўғлим, — деди беихтиёр дамбадам соқол силаётган қария Жавлоннинг кўзларига қаттиқ тикилиб. — Энди, буёғи ёз, уйни сал кенгайтириб олсакмикин?..

Жавлоннинг хаёлида ҳозирги яшаб турган уй-жой шароити жонланди. У қидира-қидира шаҳарнинг кўнглига ёққан томонидан уй олган эди. Мактаб ҳам, боғча ҳам чақирса овоз етгулик жойда. Хотини ўқитувчи. Қишлоғидан ким шаҳарга тушса Жавлонникини қидириб боради. Муҳайё шаҳарда туғилиб ўсган, жуда одамохун, меҳмонни ош билан сийламаса кўнгли ўрнига тушмайди...

— Мум тишлаб қолдинг! — ота зарда қилишга ўтди. — Сендан бир сўм ҳам сўрамайман. Онанг иккимиз ўлимликкаям, уйни янгиласак деб унгаям маблағ жамғарганмиз. Раҳматли сенларни бағрида кўришни орзу қила-қила ўтиб кетди. Уйни янгиласак, кўчиб келсанг, онангниям руҳи шод бўлади...

«Энди, шундоқ уйни ташлаб келаманми?!» Жавлонни қишлоққа кўчиб келиш ваҳимаси босди. У уйланиш олдидан, шаҳарда яшаймиз, деб Муҳайёга ваъда берган. «Болаларимнинг келажак ҳаёти нима бўлади? Қишлоқда эса мактаб бир аҳволда...» Йигитнинг хаёли калавадек чувалашиб борарди.

— Гапирсангчи мундоқ, тилинг борми ўзи?! — деди ота беихтиёр ҳайқириб. Унинг пешона, бўйин томирлари ўқлоғидек туртиб чиққан, чинакамига жаҳли қўзиган эди.

— Ўйлаб кўрайлик...

— Э... Сенга қолган куним шу бўлса!..

Арслон ота шаҳд билан ўрнидан туриб кетди. Йўл-йўлакай қўлига кетмонни олиб, эски томни чангитиб бузаверади. Буни кўрган ўғил унинг ёнига йўлай олмай, секингина орқа эшикдан шаҳарга жўнаворди.

— Дадамлар нега чақиртирибдилар? Тинчликми, ўзлари соғ-саломат юрибдиларми, қариндош-уруғлар омонми? — ҳар доимгидек дарров сўроққа тутди, мазали мошкичирини дастурхонга қўятуриб Муҳайё.

— Ҳаммаси ўрнида, — истар-истамас жавоб берди Жавлон қовоқ-тумшуғи осилиб. Муҳайё сўраб-суриштиришни тўхтатди: эри уйга хафа қайтса ўзини босиб олгунча индамас эди. Кенжасини боғчадан ҳам ўзи олиб келди. Ҳар кунгидек бир амаллаб озгина овқат едирди, дам ялиниб, дам жазолайдиган бўлиб зўрға ухлатди. Жавлон девор томон ўгирилиб олганча ҳар замон-ҳар замонда уф тортиб, миқ этмай ётаверди. У тинчий олмас, отасининг ғамгин ва жаҳлдор қиёфаси, орада бўлиб ўтган кўнгилсиз гап-сўзлар хаёлидан кетмасди. Муҳайё чироқларни ўчирдида, ўринга оҳиста чўзилди.

— Адажониси, дадам бояқишга қийин бўлди-да! Қариганда ёлғиз ўзи қийналиб қолди. Агар сиз рози бўлсангиз қишлоққа...

— Сеники етмай турувди! Кўчмайман, эшитдингми, кўчмайман! Ёки мени синаб кўрмоқчимисан?!

Жавлон сакраб туриб, диванга ўтирди, пешонасини, юз-кўзини ишқади. Яна чуқур уф тортди.

— Ҳай-ҳай, намунча ўзингизни қийнамасангиз! — кулимсираб ўзини оғирликка олди Муҳайё. — Янги танишганимиздаги ваъдаларингизни ўйлаяпсизми? Тўйдан олдинги ваъдаларнинг кўпиги кўп бўлади. Сиз шулардан биттасини бажармай қўя қолинг. Мен буни ҳеч қачон юзингизга солмасликка сўз берай. Ахир, ўйлаб кўринг, шаҳардан қишлоққа борсак ниманиям йўқотамиз? Мен ўқитувчилигимни қилавераман, сиз иқтисодчилигингизни. Шаҳардаги уйимизни сотмаймиз, вақти-вақти билан келиб-кетаверамиз. Қани, буёққа ўгирилиб бир жилмайиб юборсинлар-чи!

— Эсинг борми ўзи?! — Ҳануз шаштидан тушай демасди Жавлон. — Қишлоқдаги мактабни битирганлардан биронтаси тузукроқ ўқишга кира оляптими?

— Келинг, муғамбирликни қўйинг! — Муҳайё овозини бир парда баландлатди. — Ўзингиз ҳам жон-жон деб турибсизу тарангликка бало борми! Ичдан пишганлик сизга ярашмас экан. Шунча йиллардан бери бирга яшаб хотинингизни ҳалиям синамадингизми? Очиғини билмоқчи бўлсангиз, менинг ўзим ҳавасмандман шу жойларга. Қишлоқдаги ўқиш-ўқитишлар, бошқа юмушлар кўнглингизни тўлдирмаса ўзимиз бориб қарашамиз, ҳиссамизни қўшамиз. Яна гапираверайми, бўлар энди...

Жавлон беихтиёр жилмайиб, хотинини бағрига тортди.

Пешонасини қийиқ билан маҳкам танғиб олган ота шох-шаббаларни босиб қолган қалин тупроқни тортаётиб бирдан кўзи тиниб кетди. Қалқиб бориб кесаклар уюмига ўтириб қолди. Қаттиқ ташналикни ҳис этиб нарироқда турган човгумни бир амаллаб олди-да, жўмрагини оғзига тутди. Човгумнинг қопқоғи кесаклар орасига тушди, чолнинг оғзига бир-икки иссиқ томчи томди, холос. Шу дамда отанинг кўнгли жуда-жуда ўксиб кетди, дармони баттарроқ қуриди. Кампирини қўмсаб, ўкириб юборишига сал қолди. Жимиллаб бораётган кўзларини олис-олисларга тикди. Узоқлардан қишлоғи томон ғизиллаб югураётган машиналар қора нуқталардай бўлиб турарди. Чол улардан кўз узолмай, дам-бадам хўрсиниб қўярди. Невaралари, истараси иссиқ келини кўз олдига келди. Қулоқлари остида кенжа неварасининг қичқириғи эшитилгандек бўлди, бўйнида чирмашган жажжи қўлчаларни ҳис этди...

Шу пайт яқингинадан — катта кўча муюлишидан юк машинасининг овози эшитилди. Кўп ўтмай ўзи ҳам кўринди. Ота ўтирган жойида жовдираб тикилар, бир зум қарамай қолса уни йўқотиб қўядигандек киприк қоқмасди. Машина сеҳрланган каби Арслон отанинг уйи томон бурилди. Қияликдан ванғиллаб чиқиб келди-да, ариқчадан бир силкиниб ўтиб дарвоза яқинида тўхтади. Машинадан қоматдор ўғли тушиб, ҳайдовчига юзланди-да:

— Айлантириб, кузовни дарвозага тўғриланг, юкларни туширамиз, — деди баланд овозда.

Чолнинг ўрнидан туришга ҳам, бир нима дейишга ҳам мажоли йўқ эди. Ташналикдан қуруқшаб қолган лаблари аранг пичирларди: «Худога шукр, Ўзингга шукр...» Юз-кўзларидаги серажин чизиқларда из қолдириб томчилар думаларди. Бу терми, кўз ёшларми... билиб бўлмасди.

**Асад АСИЛОВ**

*Бўш вақтингизда*

# «ҲИКМАТЛАР» БОШҚОТИРМАСИ

Азиз оқшомхон! Қуйида келтирилган ўзбек халқ ҳикматларидаги тушириб қолдирилган сўзларни топиб рақамли хонадан ёйлар бўйича ёзинг:

1. Одам ақли — ....кесмагани қўймас. 2. Ақл ақлдан қувват... 3. Ёш чоғим — ... чоғим. 4. Кўз қўрқоқ —... 5. Ақл ёшда эмас... 6. Чиройликка ...яхши, ақлли билан яшаш яхши. 7. Чумчуқдан қўрққан... экмас. 8. Анор чўлда битар, анжир... 9. Эшик очиқ бўлса ҳам, ...кир. 10. Аввал ўзингни тузат, кейин ўзгани... 11. Ақл...керак. 12. Бир бошоқ дон — бир ...нон. 13. Асал — қилмайди... 14. Дилда пишир, тилда... 15. Амри ...аршдан аъло. 16. ...ўйла, кейин сўйла. 17. Айбини билган... 18. ...беиллат эмас, қиммат беҳикмат эмас. 19. Адабни беадабдан... 20. Сабр қилган мой ошар, ...олган кўп яшар.

МУАММОНОМА

Аввало ҳикматларда ифодаланиб рақамларда яширинган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1. Сўраганнинг айби — 9, 6, 1.
2. Минг қўшчига — 8, 3, 4 бошчи.
3. Ҳунар — 7, 5, 4, ҳунарсиз хор.
4. Ошинг ҳалол — 8, 6, 10, 2, 5 кўчада ич.

Очқич сўзлари асосида шакл марказидаги рақамларда яширинган яна бир ҳикматни билиб олинг.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**



**Газетанинг шу йил 8 август сонида берилган «Иқтисод» бошқотирмасининг жавоблари:**

1. Сўм. 2. Мулк. 3. Касса. 4. Аванс. 5. Солиқ. 6. Қиймат. 7. Тариф. 8. Фойда. 9. Акция. 10. Ярмарка. 11. Аукцион. 12. Нақд. 13. Депозит. 14. Тижорат. 15. Трест. 16. Товар. 17. Рента. 18. Акциз. 19. Зарар. 20. Рақобат. 21. Тўлов. 22. Валюта. 23. Ажур.

**Муаммонома**

Инвестиция — ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида узоқ муддатли капитал киритиш.
Менежмент — ишлаб чиқаришни бошқариш.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3871 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-707. Топширилди 12.45 1 3 4 5 6